

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқи

УДК: 331.6-051

**ХАЛЛИЕВА НАРГИЗА РОЗИКОВНА**

**ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲОЛИ  
БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИРИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА)**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган  
ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Исаков Ж.Я.**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Тошкент-2023 йил**

## **МУНДАРИЖА:**

### **КИРИШ**

#### **1-БОБ. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

1.1-§. Аҳоли бандлигини таъминлашда туризм соҳасининг ролини ошириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар

1.2-§. Туризм соҳасида аҳоли бандлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг қиёсий тавсифи

1.3-§. Аҳоли бандлигини таъминлашда туризм соҳасининг ролини ошириш борасидаги хориж тажрибаси ва Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари

Биринчи боб бўйича хулосалар

#### **2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДА БАНДЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ**

2.1-§. Бухоро вилоятида туризм соҳасидаги аҳоли бандлигининг амалдаги ҳолати

2.2-§. Туризм соҳасида аҳоли бандлигининг замонавий ҳолати

2.3-§. Аҳолининг туризм соҳасидаги бандлигига таъсир этаётган омиллар

Иккинчи боб бўйича хулосалар

#### **3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ**

3.1-§. Аҳоли бандлигини таъминлашда туризм соҳасининг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар

3.2-§. Туризм соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш йўллари

Учинчи боб бўйича хулосалар

### **ХУЛОСА**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **ИЛОВАЛАР**

## **Кириш (фалсафа (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

### **Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурлиги.**

Жаҳонда туризм, айниқса, аёллар, ёшлар, қишлоқ жамоалари ва маҳаллий аҳоли учун бандлик яратишда катта ҳисса қўшади ва бошқа соҳалар билан алоқаларга эга. Натижада, туризм кашшоқликни камайтиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва муносиб меҳнатни рағбатлантиришга олиб келиши мумкин. Аммо, агар туризм маҳаллий маданиятларни ҳурмат қилмаса ёки ижтимоий жихатдан жавобгар бўлмаса, бу маҳаллий жамоаларга, уларнинг меросига ва атроф-муҳитига салбий таъсир кўрсатиши, тенгсизликни кучайтириши ҳам мумкин. Бутунжаҳон сайёҳлик ва туризм кенгаши (World Travel and Tourism Council)нинг маълумотларига кўра, 2019-йилда жами 272 миллион киши туризм соҳасида банд бўлган ва 2019-йилдаги халқаро туристлар сони эса 1.5 миллиардга тенг бўлган. Тўғридан-тўғри ва билвосита 284 миллион иш ўринларининг эквиваленти дунёдаги ҳар 11 ишдан биттасига тенгдир. 2026 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 370 миллион иш ўринларига кўпайиши кутилмоқда, Бу дунёдаги барча тўққизта иш ўринларидан бирини ташкил этади<sup>1</sup>. Туризм иқтисодий ривожланишнинг асосий соҳасидир: бу кўплаб иқтисодий фаолиятни ўз ичига олган тез ривожланаётган ва меҳнат талаб қиладиган саноат ҳисобланади. Инвестицияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш агентликлари (IPA) мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнаши мумкин, чунки туризм йўналишлари ўртасидаги тобора кучайиб бораётган халқаро рақобат ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (FDI) лойиҳаларининг юқори рақобатбардошлиги соҳага инвесторларни жалб қилиш учун самарали таклифларни ишлаб чиқади<sup>2</sup>.

Жаҳонда туризм барқарор ривожланишнинг муҳим воситаси сифатида пайдо бўлди ва туризм соҳасидаги инвестициялар миқдори кам

---

<sup>1</sup> <https://www.ilo.org>

<sup>2</sup> <http://www.oas.org/annex 2>

бўлса ҳам, уларнинг соҳадаги аҳамиятини эътибордан четда қолдирилмаслик керак. Туризм саноатининг муҳим хусусиятларидан бири бу унинг меҳнат талаб қилишидир. Даромад ёки капитал қўйилмаларнинг маълум даражаси туризмда қўплаб бошқа иш ўринлари яратадиган даромадлар ёки инвестициялар билан таққослаганда кўпроқ иш ўринларини яратади. Шунингдек, туризм минтақалараро ва халқаро пул оқимларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Аммо ҳозирги вақтда бутун дунё туризм соҳаси олдида турган муаммо Covid-19 пандемияси ҳисобланади. Бу муаммо сабабли кўпгина давлатларнинг чегараси ёпилган ва бу туризм орқали ЯИМни асосий қисмини шакллантирадиган давлатлар учун долзарб ҳисобланади. Рақамли технологиялардан туризм соҳасида кенг фойдаланмаслик ҳамда тузим соҳасидаги меҳнат фаолиятининг мавсумий эканлиги туризм соҳасига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Чекка ҳудудлардаги туризм маҳалларини жорий этиш, ушбу ҳудудларга маҳаллий ҳамда хорижий туристларни жалб этиш ва бу орқали туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини ошириш тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш, шу жумладан, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорида миллий туристик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2021 йил биринчи ярим йиллигида мамлакат бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган 273 минг нафар фуқаронинг 40 фоизи, шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан жорий йилнинг январ-апрел ойларида 2890 нафардан зиёд ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди. Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2019-йилнинг 1-ноябридан эътиборан